Ўқитилиш максади. Тармок асосан кўплаб киришлар учун кутилган (хеч бўлмаганда шунга якин бўлган) кўплаб чиқишиларни бериш. Ҳар бир шундай кириш ёки чиқиши кўпликлари вектор сифатида курилади. Ўқитиш кириш векторларини шу жараён билан келишилган ҳолда, бир хил миқдорда кетма-кет бериш билан амалга оширилади. Ўқитиш жараёнида тармок қийматлари ҳар бир кириш вектори чиқиши векторини ишлаб чиқадиган қилиб борилади.

Ўқитувчи билан ўқитиши. Ўқитиш алгоритмлари иккига бўлинади:

1. Ўқитувчи билан ўқитиши
2. Ўқитувчисиз ўқитиши

Ўқитувчи билан ўқитиши ҳар бир кириш вектори учун ўзининг талаб этилган чиқиши векторига эга бўлган бутун вектор мавжуд деб ҳисоблайди. Улар биргаликда ўқитувчи жуфтлик деб аталади. Одатда тармок бир нечта шундай ўқитувчи жуфтликлар сонида ўқитилади. Ўқитувчи жуфтлик векторлари кетма-кет берилади, хатолар аниқланади ва ҳар бир вектор учун мосланади. Чунки умумий ўқитилувчи учун массив бўйича хатолик минимумга эришиш керак.


Ўқитувчисиз ўқитиши. Кўплаб амалий муваффақиятларга қарамасдан ўқитувчи билан ўқитилиш кўп ҳолларда танқидга учрайди, чунки унинг биологик номутаносиблиги мавжуд. Карши алоқа ёрдамида коррекцияни бажара туриб чиқишининг кутилган ҳамда ҳақиқий қийматларини бера олуви механизми мияни борлигини тасаввур килиш жуда қийин. Агар мияда шундай механизм мавжуд деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда кутилган чиқишилар қаердан келиб чиқади. Ўқитувчисиз ўқитиши биологик тизимда кўпроқ ҳақиқатта якинроқ ҳисобланади. Кохонен ва бошқалар томонидан ривожлантирилган бундай тармок чиқиши учун зарур бўлган бутун векторга муҳтоҷ эмас, шунингдек олдиндан аниқланган идеал жавоблар билан солиштирувни талаб этмайди. Ўқитилувчи кўплик факат кириш векторларидан иборат. Ўқитилувчи алгоритм тармок қийматларини чиқиши векторлари билан келишилган ҳолда, керакли даражада якин бўлган кириш векторларининг берилиши бир хил чиқишиларни келиб чиқишига мослаштириб беради. Ўқитиш жараёни ўқитилувчи кўплик статистик хусусиятларини ажратиб беради ҳамда ўхшаш векторлари ҳамда синфларини гурухлаб беради. Кiriшга шу синфдан вектор бериш маълум чиқиши векторини беради, лекин ўқитилишдан олдин берилган синф чиқиши векторлари билан чиқища қандай вектор бўлишини аниқлаб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики бундай тармок чиқишилари ўқитилиш жараёни билан келишилган маълум бир тушунилувчи формага трансформацияланиши керак. Бу эса муҳим камчилик ҳисобланмайди.

Ўқитилиш алгоритмлари. Кўплаб замонавий ўқитилиш алгоритмларида Хебб концепцияси ривожланган. Уларга иккала нейрон манба, ҳамда қабул килювчи приёмник активлаштирилган ҳолда синоптик кучи ортувчи ўқитувчисиз ўқитиши усули кўлланилган. Шундай қилиб, тармокда кўп ҳолларда кўлланиладиган йўллар ва тақрорлаш орқали ўқитиш ва хусусиятлар феномени ўз маъносини топади. Хебб ўқитилишидан фойдаланувчи сунъий нейрон тармокларида қийматларининг

орттирилиши узатувчи ва қабул қилувчи нейронларинг кузатилиш даражасини амалга оширилиши билан аниқланади. Буни қуидагича ёзиш мүмкін:

$$w_{ij}(n+1) = w_{ij}(n) + a OUT_i OUT_j$$


бунда $w_{ij}(n)$ – қуилишгача бўлган i нейрондан j нейронгача бўлган кийматлари, $w_{ij}(n+1)$ - қўрилишдан кейин бўлган i нейрондан j нейронгача бўлган кийматлари, a – ўқитилиш тезлигининг коэффициенти, OUT_i – i нейрон чикиши ва j нейроннинг кириши, OUT_j - j нейрон чикиши.



10-расм. Ўқитишни стимулловчи схема.

4.3. Алфавит ҳарфларининг ўқитилиши

Ҳарфларни нұктали расм күренишида тасвирласак



Расмдаги қайтарилган пиксел катакчага $I_{ij} = 1$ мос, окка $I_{ij} = 0$ мос. Масала шундан иборатки, расм берилган ҳарфни аниқлаш керак. $N_i * N_j$ киришли кўп қобиқли перцентронни ясасак, ҳар бир киришга биттадан $x_k = I_{ij}$, $K=1 \square N_i * N_j$ пиксел тўғри келади. Пикселларни ёруғлиги кириш векторларини компонентларидир.

Чиқиш сигналлари сифатида берилган расм шу ҳарфга түғри келадиган эхтимолликни танлаймиз.

$Y = (c_1 \square c_M)^T$. Тармок чиқишини ҳисобладый.

$$(I_{ij}) \rightarrow \begin{pmatrix} c_1 \\ \dots \\ c_m \end{pmatrix}$$

Бунда чиқиш $c_1 = 0,9$ мисол учун «А» ҳарфининг күренишида берилган ва тармок бунда 90% га ишонч беради. Чиқиш $c_2 = 0,1$ – бунда расм «Б» ҳарфига мос келиши керак ва 10% эхтимоллик билан.

Бошка усул: тармокнинг киришлари худди шундай танланади, чиқиш эса битта берилган ҳарфнинг т сони бўлади. Тармок берилган расм бўйича т қийматни беришга ўрганади.

$$(I_{ij}) \rightarrow (m)$$

Бу усулда ҳам камчилик мавжуд: ҳарфлар т номерга эга, лекин расмга ўхшамайди, улар тармокли ўқилишда адаштирилиб юборилиши мумкин.

4.4. Нейрон тармоклардаги ўқув жараёнининг тасвирланиши

Нейрон тармокларнинг мисоллардаги ўқитилиш вазифаси ўзининг ташкилий ва функционал кўлланиш бўйича нейрон тармоклари бир неча кириш ва чиқишлири билан баъзи қайта ишланган кириш стимулларида ташки олам ҳақида сенсор маълумотлар, чиқишида бошқарув сигналларни бажаради. Қайта ишланган стимуллар сони п га кириш тармоғи сонига тенг. Чиқиш сигналлар сони эса, т га тенг. Барча кириш векторларнинг йиғиндиси п размерлиги х вектор худудини ҳосил қиласи. Уни биз худуд белгилари деб атаемиз. Чиқиш векторлари ҳам белгили худуд x_{oc} ҳосил қиласи ва Y билан белгиланади. Энди нейрон тармокларни баъзи кўп ўлчамли $F(XY)$ функция деб ўйлаш мумкин. Унинг аргументи белгили кириш худудига тегишли, маъноси эса-чиқиш белгили худудга эга.

Талабдаги функцияни олиш учун специфик танланган тарози керак бўлади. Барча тарозилар коэффициенти йиғиндиси барча нейронлар вектор W дек таклиф этилиши мумкин. Кўпгина шундай векторлар вектор худудни ташкил этади. Уларни конфигурацион W худуд деб атаемиз. Векторнинг вазифаси конфигурацион худудда барча синаптик тарозиларни тўлик аниклайди, шунинг билан бирга тармокнинг иш жараёнини аниклайди. Тармокнинг бу иш жараён W тармоғи деб аталади, ундаги нейрон тармок, талаб қилинган функцияни бажаради. Берилган функция учун ўқитилиган иш жараёни бўлмаслиги, ёки ягона эмаслиги мумкинлигини айтиб ўтиш керак. Энди формал эквивалент ўқитилиш вазифаси конфигурацион худудда баъзи W^0 иш жараёнини ўқитилиши иш жараёнига ўтиш демакдир.

Талаб қилинган функция ҳар бир векторга жавоб берадиган вазифаларни ёзиш белгили X худуд баъзи векторлар Y худуддан ёзилади. Бир тармок нейрони чегара детектори вазифасида бўлса, талаб қилинган функцияни таърифи барча тўрт жуфт векторлар вазифасидан эришилади.

V. МЕТОДОЛОГИЯ АСОСЛАРИ. ХОПФИЛД МОДЕЛИ.

Методология асослари

Қарши алоқали тармоқтар ассоциатив хотира сифатида ишлаши мүмкін. Бу киришга берилған вектор бүйічка тармоқ орқали чиқишида олдиндандын эслаб қолинган, кириш векторига күпроқ «үхашаш» бўлған вектор ҳосил қилинади деганидир. Маълумотларни танлашнинг бундай усули маълумотлар бүйічка адреслаш деб аталади. Бу адреслаш ЭХМда кабул қилинган фон-неман типидан хотира ячейкаси номери бүйічка адреслашдан тубдан фарқ қиласи. Адреслашнинг бу тури биологик нейрон тармоқларида кенг кўлланилади. Масалан, оддий бир жасминнинг иси хотирада кўплаб бир-бiri билан мантиқан боғлиқ ва ўз ичига визуал, овозли, ҳамда кинестетик образларни қамраб олган ассоциацияларни вужудга келтириши мүмкін. Бундай адреслашли хотира сунъий интеллект тизимларини яратиш учун ўта перспектив ҳисобланади.

Масалан, нейротармоқда эслаб қолинувчи куўпина $\{x^k\} = x^1 \dots x^k$ векторлар берилған бўлсин. Векторларнинг «ўхашашлик» критерийлари масалага боғлиқ ва умуман мураккаб бўлиши мүмкін. Мисол учун, кириш вектори вакт бүйічка бир неча кетма-кет олинган ҳисоботлардан иборат бўлсин, бунда векторлар яқинлиги критерияси ҳисоботларни вакт ўки бўйлаб ўтказишни масштаблашни (сигнал фазасига) ҳамда кириш сигналларининг шовқинлиги инвариантлигига эга бўлиши керак. Шундай экан яқинлик критериясими излаш ҳар бир масала учун хосдир ва муҳим муаммони келтириб чиқаради.

Оддий бир ҳолатни кўриб чиқайлик. Бу ҳолда иккى векторнинг яқинлик даражаси сифатида уларнинг скаляр кўпайтмасидан фойдаланилган: $d(x^1, x^2) = (x^1 - x^2)$. Векторлар қанчалик ўхашаш бўлгани сари уларнинг яқинлик даражаси юкори бўлади. Бундан x векторнинг вакт ўтиши билан $dx = \sum_k x^k (x^k, x^1) dt$ конун бүйічка ўзгариши охир оқибат x ни унга энг кўп ўхашаш бўлған этalon билан мос келишига олиб келади, яъни талаб қилинаётган ассоциация топилади. Ҳаттоқи этalon векторлар компонентлари факат +1 ва -1 кийматларнингина қабул қиласа ҳам.

Агар шундай $H(x)$ функция топилса, унда $\frac{dx}{dt} = -\nabla H$ бўлса, x вектор

учун ассоциацияни қидириш масаласи $H(x)$ функцияларнинг минимуми билан мос тушади. Агар тармоқ энергияси деб аталаувчи

$H(x) = -\frac{1}{2} \sum_k (x^k, x)^2 + \frac{1}{2} \lambda \sum_i (x_i^2 - 1)^2$ кўринишдаги H функция танлансанда унинг градиенти $\nabla H = -\sum_k x^k (x^k, x) + \lambda \sum_i e^i (x_i^2 - 1)x^i$ бўлади бунда $e^i - i$ ли вектор базиси. Пастки индекслар билан вектор компонентлари, устки

индекслар билан эса вектор номери белгиланган. Бундан

$$\frac{dx}{dt} = -\sum_k x^k (x^k, x) - \lambda \sum_i e^i (x_i^2 - 1) x^i \text{ келиб чиқади.}$$


Биринчи купайтма x нинг энг якин эталонга интилишини таъминлади, иккинчиси эса x вектор компонентларини рухсат этилган +1 ёки -1 қийматларга яқинлашуви. \square компоненти бу икки жараённи интенсивлигига мутаносиб. Одатда \square ўқилиш вақти ўтиши билан $\square < 1$ дан $\square > 1$ гача ўсади. Весовой коэффициентлар ва чегаравий даражаларга еришиш учун охирги ифодани компонентларга бўлиб ёзиб чикамиз:

$$\left(\frac{dx}{dt} \right)_i = \sum_j \sum_k x_i^k x_j^k x_j - \lambda (x_i^2 - 1) x_i = \sum_{j \neq i} \sum_k x_i^k x_j^k x_j - (\lambda (x_i^2 - 1) - 1) x_i$$

бундан кўринадики весовой коэффициентлар $W_{ij} = \begin{cases} \sum x_i^k, x_j^k, j \neq i \\ 0, i = j \end{cases}$ бўйича


аникланиши зарур.

Веслар i дан j га ёки j дан i гача бўлган йўналишга боғлик эмас. Бу формула Хеббнинг перцептронни ўқиш учун яратган формуласига i ва j векторлар орасидаги алоқа мусбат бўлганда агар нейронлар ҳолати манфий ва бир хил бўлса, агар ҳолатлар қарама-қарши бўлса аналогик тўғри келади.



11-расм. Хопфилд моделининг структуравий схемаси

Хар бир i ли нейрон ҳар бир интерацияда ҳисобланувчи $\theta_i = (\lambda (x_i^2 - 1) - 1) x_i$ қийматли бошқарилмайдиган ночизиқли чегарага эга. Ҳар бир чиқиш сигнални W_{ij} вес билан тармоқ киришига қайтадан ва шу нейроннинг киришига қайтадан узатилади ва бу модел **Хопфилд модели** деб аталади.



12-расм. Хопфилд модели

1. Энергия функциясини шу функция глобал минимуми нүктасини масала ечими билан мос келадиган қилиб күриш. Бунда энергия функциясининг градиенти нейрон тармоқлари ёрдамида хисоблашни амалга ошириш керак.
2. Тармок параметрларини хисоблаш учун (весовой коэффициентлар ва чегарвий даражаларни) энергия функцияси градиентини хисоблаш учун формалалар ёзиш.
3. Қарши тарқалиш занжирини узиш ва тармоққа кириш векторини бериш. Чиқиш кийматларини хисоблаб чиқиши.
4. Қарши тарқалиш алоқасини улаш ва тармоққа ўз ҳолатини мустакил алмаштириш (релаксация) имконини бериш. Чиқиш вектори ўзгаришдан тұхтагандан сүнг релаксация жараёнини тұхтатиши, яғни энергия функцияси минимумга эришгандан сүнг. Тармоқнинг олинган чиқишилари масала ечимини беради.


VI. ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ

Умуман олганда «Ҳозирги замон нейрон тармоқлари архитектураси» тушунчаси ўз ичиға түрли структуралардың нейронлар ансамблини қамраб олади, бирок амалиёттә уларнинг баъзиларигина ўз кўлланилишини топган. Бу нейрон тармоқлари архитектурасининг унинг ўқилиши билан боғлиқлигидандир. Ҳаттоқи нейрон тармоқлари ривожланишининг түрли хил этаплари янги тармоқлар архитектураси ва улар учун маҳсус ишлаб чиқилган ўқилиш дастурлари пайдо бўлиши билан аниқланадилар.

Сунъий нейрон (ёки оддий нейрон) сунъий нейрон тармоқлари кўрилувчи кўплликнинг элементар функционал модули ҳисобланади. У ўзида тирик нейронни тасвирлайди, бирок функциялаш усулини эмас балки, ўзининг еча оладиган ўзгартиришлари чегарасидагина. Нейрон моделининг мантикий, узлуксиз ва импульсли моделилари мавжуд. Нейроннинг мантикий модели (айниқса Вена картаси билан тушунтирилувчи формал нейрон) 60-70 йилларда актив ўрганилган лекин, кейинчалик тўхтатилиб кўйилган. Импульс моделилари нерв катакчаларида амалга ошуви жарёнларнинг физик табиятига яқинроқдир, бирок уларнинг назарияси узлуксиз моделилар каби ривожланмаган ва ҳалигача кенг кўлланила олмайдилар.

Нейрон (1-расм) кўйидагилардан ташкил топган:

1. Адаптив сумматор – кириш сигнал векторининг скаляр кўпайтмасини параметрлар векторига бўлган бўлинмаси. Адаптив деб, у келиштирилувчи параметрлар мавжудлиги учун аталади. Кўплаб масалалар учун чиқиши сигналларининг чизиқли бир тўпламли бўлмаган функциясига эга бўлиш фойдалидир, бунинг учун доим биттали кириш сигналини кўшиб туриш керак.
2. Сигнални очиқиши ўзгартирувчи – скаляр кириш сигналини қабул киласи ва тегишли равишда уни ўзгартириб беради.
3. Шохланиш нуктаси битта сигнални бир нечта адреслар бўйлаб жўнатилишини амалга оширади. У скаляр кириш сигналини олади ва ўзининг чиқишиларига жўнатади.




13-расм. Формал нейрон

Формал нейрон узатилувчи функцияни амалга оширади:

$$N(x_1, x_2 \dots x_n) = \phi \left(\sum_{i=1}^n \alpha_i \cdot x_i + \alpha_0 \right)$$

$$\phi(x) = \frac{1}{1 + e^{-x}}$$

формал нейронлардан нейрон қобиқларини түзиш мүмкін, уларни эса ўз ўрнида күп қобиқлы тармоқларга бирлаштириш мүмкін (2. расм).



14-расм. Сунъий нейрон тармоғи

Кириш қатлам нейронлари сигналларни қабул килади, үзгартыради ва шохланиш нұкталари орқали берк қобиқ нейронларига узатади. Кейин навбатдаги қатлам ишга тушади, у эса интерпретатор ва фойдаланувчи учун сигналлар узатади. Ихтиёрий тармоқдаги кейинги қобиқ нейронларининг ҳар бир киришига узатилади. Қобиқдаги нейронлар сони ихтиёрий бўлиши мүмкін.

VII. МАЪЛУМОТЛАРНИ НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИДА ТАСВИРЛANIШИ.

Текстли маълумотларни қайта ишлаш асосида турли модалликлардаги маълумотларни текстли, оғзаки ва кўриш маълумотларини қайта ишлаш учун ягона бўлган нейротармоқли технология ётади. Турли модалликлардаги маълумотларни қайта ишлашда бирламчи белгиларнинг ажралиб чиқиши усулигина ўзгаради, текстли маълумотларни қайта ишлашда эса қўшимча қайта ишлаш этапи – сўз весларини қайта номерлаш киритилади.

Маълумотларни қайта ишлашнинг нейротармоқли технологияси иккита фундаментал жўнатмага асосланади:

1. Маълумотлар символларнинг бир ўлчамли кетма-кетлиги сифатида тасвириланади. Уларни бундай кўринишга келтириш учун анча меҳнат килинади. Масалан, тасвирили маълумот учун тасвирининг аникроқ кўринишини берувчи нукталарнинг ажратилиши амалга оширилади, кейин эса уларнинг маълум бир кетма-кетлиги сканерланади, бу эса маълум бир ахборот кетма-кетлигини юзага келтиради. Сўзлар учун бу турдаги ўзгартиришлар анча соддароқ кўринишга эга, чунки у олдиндан бир ўлчамли, шунингдек текстлар билан ҳам.

2. Кейинчалик бу бир ўлчамли ахборот кетма-кетлиги кўпўлчамли сигнал мухитига п символли узунликдаги ойна ёрдамида шундай ўтказилади, ҳар бир п символ координатаси нуктаси шу мухитда ётсин. Барча кетма-кетликка шу мухитдаги нукталар кетма-кетлиги траекторияси муносаб. Бундай тасвириланиш кириш маълумотининг ички структурасини, агар шундай структура мавжуд бўлса, тиклаш имконини беради. Гап шундаки тасвириланиш ўз табиатига кўра ассоциативдир. Ойна тўлиши биланок унинг ўзи бизни дарров нукта мос келадиган мухитга адреслайди. Агар кириш кетма-кетлиги такрорланувчи фрагментларга эга бўлса, масалан, сўзлар. Унда олдин берилган сўзлар кетма-кетлиги пайдо бўлиши биланок траектория чилик равишда шу сўзга тегишли бўлган ўз фрагменти бўйича ўтади. Агар шу берилган нукта мухитидан ўтвучи траекториялар сонини белгилаб борувчи хотира механизми, шунингдек чегаравий ўзгартириш (яъни, $a=1$, агар $b>h$ бўлса ва $a=0$, агар $b < h$, бунда h - чегара) мавжуд бўлса, биз траектория нуктасини кўриб чиқишида кам учрайдиганларини ўчириб кўп учрайдиганларини саклаб қолишимиз мумкин. Бундай сигнал мухитидаги тозаловдан кейин факат такрорланувчи фрагментлар кетма-кетлигидаги маълумот – берилган даражадаги луфат сўзларигина қолади.

Бундай луфатни формаллагандан кейин уни маълумотлар оқимидағи эски ахборотни фильтрлаш учун ишлатса бўлади. Бундай фильтр чиқишига фақат янги ахборотнингина ўтказади, у эса ўз навбатида янги кетма-кетликни юзага келтиради. У эски кетма-кетликка ўхшаб кетади, лекин эски ахборотта мос келувчи жойлар ноль билан алмаштирилади. Бундай алоқалар кетма-кетлиги кейинги даражада қайта ишланади ва шу даражада луфатини формалайди ва шундай давом этади. Бунда пастки даражада луфати қатламларининг алоқалари кейинги даражада луфати сўзларида ҳисобга олинади.

Текстларни қайта ишлашда анализнинг фақат 2 та даражасигина қолади. Бунда асосий мақсад – сўзлар лугатини формалаш ва улар орасидаги алоқани ажратиш сақланиб қолади, шунинг учун биринчи қадамда сўзлар лугати формаланади. Иккинчи қадамда, биринчи қадамда формаланган аббревиатура кетма-кетликларини лугат сўзларини фильтрлаш йўли билан формалаш ўрнига сўзларнинг гапдаги жуфт бўлиб келиши анализдан ўтказилади. Шундай қилиб, сўзлар орасидаги алоқа ажратилади. Олинган маълумот – сўзлар лугати ва уларнинг алоқаси тармоги кўринишида визуализацияланувчи текстнинг частотали тасвири юзага келади ва лугат сўзлари ҳамда уларнинг алоқалари анализ натижасида маълум бир частота характеристикасига эга бўлади.

Текстларни қайта ишлаш учун, сўзлар ва видеодан фарқли улароқ яна бир операция – сўзлар характеристикасининг сонли қайта номерланиши киритилади. Бунинг учун Хопфилд нейрон тармоқлари ишининг итератив алгоритми кўлланилади. Ҳар бир итерацияда тармоқ сўзи ўз весини ортиради, агар у кўплаб бошқа сўзлар билан катта весда боғланган бўлмаса, бошқа сўзлар эса уни тенг равишда йўқотади. Агар сўз икки маротаба – ҳам номда ҳам аннотацияда такрорланса, у калит тушунчага айланади ва катта весга эга бўлиб қолиши мумкин.

Текстни қайта ишлаш мисоли.

Технология функционаллигини «Репка» эртаги мисолида кўриб чикамиз.

1-расмда текст ва текст сўзларининг «репка» тушунчасига ва шу сўзларнинг бошланғич текстда келтирилган эслатмасининг семантик тармоги келтирилган (пастки ойна).





Рис. 1. Смысловая сеть текста

Янада очикроқ тематик структура (2-расм).

«Мышка»нинг йўклиги бу сўзниң фойдаланувчининг лугатига киритилиши билан тўлдирилади



Қайта анализидан сўнг «Мышка» иерархиядаги ўз ўрнини эгаллади. (3-расм).

Ва ниҳоят реферат тузилади (4-расм).

Name	Total size	Number of sentences
SUMMARY	0.36K [492]	3
репка	0.74K	13
4		

- 99 Жучка за внучку, внучка за бабку, бабка за дедку, дедка за репку; тянут-потянут, вытянут не могут.
 99 Машка за Жучку, Жучка за внучку, внучка за бабку, бабка за дедку, дедка за репку; тянут-потянут, вытянут не могут.
 99 Мышка за Машку, Машка за Жучку, Жучка за внучку, внучка за бабку, бабка за дедку, дедка за репку; тянут-потянут - вытащили репку.

Рис. 4. Реферат

 	Мышка - [2/2] Мышка за Машку, Машка за Жучку, Жучка за внучку, внучка за бабку, бабка за дедку, дедка за репку; тянут-потянут - вытащили репку.
------	---

Рис. 5. Тематический реферат на тему «мышка»

«Мышка» мавзусидаги тематик реферат 5-расмда келтирилган.

VIII. НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

8.1. Тиббиётда нейрон тармоқларининг диагностикаси.

Кўкрак қафасида кучли оғриқ билан қабулхонага тез ёрдам орқали келган касалларга мурожаат қилинади. Унга касалини тўғри кўйиш, аниклаш навбатчи шифокор учун қийин кечади. Тажрибадан кўринаники, инфаркт билан касалланган касалларни қандайдир қисмида аналог симптомлари юқори эмас. Диагностиканинг аниқ услуби, ҳозиргача ҳам топилмаган. Электрокардиограмма ёйлари ҳар доим ҳам тўғри кўрсатмайди. Касалнинг аниқ ташхисини кўйиш учун, бир неча касаллик аломатлари керак бўлади. Буларнинг сони 40 дан ортиқ. Шу аломатлар бўлган тақдирда ҳам, шифоркорлар ўзаро муҳокама қилиб касални кардиология бўлимига ётқизиш мумкинми? Деган савол ўргага ташланади қайсиadir маънода бу масалани нейрон тармоқлари ечиб беради.

Статистика шуни кўрсатадики, шифокор миокарда инфаркт касалини касаллар ичидан 88% ига ташхис кўяди ва шундан 29% хато сигналларни беради. Бундай хато ташхис кўйишлар ҳаддан ортиқ кўп. Тарихдан кўринаники, диагностиканинг сифатини ошириш учун 10 йиллар давомида турли усул ва услубларни қўллашмоқда, лекин шуларнинг ҳаммаси гипердиагностика (нотўғри ташхис кўйиш)ни 3%га яхшилашга ёрдам беради.

1990 йилда Вильям Бакст Колифорния Университетида Сан-Диего шаҳаридаги ўзининг қабул хонасига ўткир кўкрак оғриги билан келган касаллар учун инфаркт миокарда аниклашда, кўп қатламли нейрон тармоғини (перцептрон) ни яратди ва ундан фойдаланди. Унинг максади, шифокорларга ёрдам бериш ва ушбу асбоб ёрдамида оқиб келаётган касалларнинг ҳолатини келиб чиқиш сабабларини ўрганишдир. Бошқа тарафдан диагностикани такомиллаштириш. У ўз ишини мукаммал ўрганди ва кардиология бўлимига келган касалларнинг ҳар бирини анализ қилди. Вильям Бакст касалларнинг 20 та параметларидан фойдаланди. Булар касаллар ёши, жинси, касаллик локализацияси, нитроглициринга реакцияси, кўнгил айнаши, қусиши, терлаши, жинси, ҳушидан кетиши, нафас олиши, частотаси, юрак уришининг пасайиши, оддин кечирган инфаркт ҳолатлари, диабет қанд касаллиги, қон босими, бўйин қон томирларининг шишиши, ЭКГнинг қатор ҳулосалари ва ишемик ўзгаришидир.

Асбоб 92% аниқлик билан инфаркт касалларини кўрди ва факат 4% ёлғон сигнал бўлди. Улар инфаркт касалига чалинмаган ва кардиология бўлимига ётқизилмади. Сунъий нейрон тармоғини тиббиётда қўллаш имкони катта. Қайси бир маънода бу нейронлар диагностика сифатини умумий ҳолда баҳолайди.

Фараз қиласайлик 10 кишидан, қайсики уларда ҳақиқатан инфаркт касалига чалинган бўлса, диагностика усули билан 8 кишини касал деб беради, у ҳолда сезгирилик даражаси 80% ни ташкил килади. Агар инфаркт касалини ўтказмаган 10 кишидан диагностика З кишини инфаркт деб беради, бу ҳолатда эса, сезгирилик даражаси 30% ни ташкил қилади. Диагностиканинг идеал услуби 100% сезгирилик ва мутахассисликдир. Биринчидан, биронта ҳам касалликни ўтказиб юбормаслик ва иккинчидан

соғ одамларни адаштирмаслик. Ҳимояланиш учун зарур ва муҳим бўлган 100% сезгирик услугига эришиш касалликни ўтказиб юбормаслик. Кўп ҳолатларда шифокорлар шубҳаланган ҳолда, касалликка нотўғри ташҳис кўядилар ва бу ҳолат мутахассисларнинг савияси пастилигига олиб келади.

8.2. Нейрон тармоқларининг ишлатилиш имкониятлари (ЭКГ мисолида).

ЭКГ – бу аҳамияти кучли кўшимча (қўлланма). Ҳозирги кунда, нейрон тармоқлари табобат оламида жуда кўп ҳолларда ишлатилиш мисолларини кўриш мумкин. Реанимацион палаталарининг етишмаслиги кардиохирургик бўлимларда узун навбатлар ҳосил қилиши маълум. Палаталарнинг сонини кўпайтиришнинг имкони реанимацион нархларнинг баландлиги сабаблиги (ҳаётда сўнгти икки ҳафтаси учун америкаликлар 70% маблағини айнан шу ерда сарфлашади) бўлмаяпти.

Ечим факатгина бор маблағни тежаб ишлатишда. Айтайлик, жарроҳлик операциясидан чиқсан беморнинг аҳволи уни узоқ муддатга (2 кундан кўп) реанимацион палатада ушлаб туришга тўғри келадиган даражада оғир. Шу вакт ичида барча жарроҳлар унинг тепасида тик туришади, чунки янги беморларни ётқизишга жой йўқ. Оғир беморларнинг дам олиш кунлари ёки байрам кунларидан олдин операция қилиш, кулайрок, чунки жарроҳлар дам оладилар, беморлар реанимацияда соғликларини тиклайдилар. Ҳафтанинг бошларида реанимация хонасида 12 кун қоладиган беморларнинг операция қилиш кулайрок. Шунда реанимация хоналаридаги жойлар тезроқ бўшайди ва улар янги беморларни сешанба, чоршанба кунлари қабул қиласидилар.

Қайси бемор, қанча муддатга интенсив терапия бўлимида ушланиб қолиши ҳақида савол туғилади. Бундай кўрсатмалар учун Торонто Университетининг ДжекТУ ва Майл Гуэрирлар нейрон тармоқларини ишлатиши. Бирламчи маълумотлар учун улар беморнинг факатгина операциядан олдинги аҳволи ҳақидаги маълумотларни олиши. Сўнг юкори даражадаги реанимацион ҳолат ҳамда, операциядан сўнг олинган маълумотларни (турли асоратлар) нейрон тармоқларини ишлатмайдилар.

Ту и Гуэрир беморларни уларнинг ёши, жинси чап ошқозони (желудочка) функционал аҳволи, бўлажак операциянинг мураккаблик даражаси ва бошқа хил касалликларига қараб, уларни 3 таваккал гурухга ажратишиди.

Таваккалига кам гурухга кирган беморларнинг 16,3% ҳақиқатдан ҳам реанимация хонасида 2 кундан ортиқ давъоланмадилар. Нейрон тармоқлари таваккалиги юкори деб аниқлаган беморларнинг 60% дан юкориси ёмон ташҳисни оқладилар.

8.3. Саратонга қарши курашда нейрон тармоғидан фойдаланиши.

Ўлим сабабларининг юкори даражаси рўйхатида юрак хастакликлари эгаллаганлиги сабабли унга алоҳида эътибор бердик. Иккинчи ўринда эса анкологик касалликлар туради.

Нейрон тармоқларининг ишлатилиш борасидаги олиб борилаётган ишларнинг асосийларидан бу сут безларидағи саратон касаллигини аниқлаш. Бу касалликлар ҳар 9 аёлдан бирининг ўлимига сабаб бўлмоқда.

Шиши аникланиш бирламчи сут безларининг рентгенографик анализлари, сўнг биопсия анализлари орқали бўлиб ўтади.

Маммография маълумотларининг фақаттина 0 дан 20% гача хирургик биопсия сут безларида саратон борлигини тасдиқлади. Биз яна энг паст специфик метод ҳодисаси билан иш юритамиз.

Дьюка Университети тадқиқотчилари нейрон тармокларининг маммограмма злокачествен ткань нинг 8 аломатига кўра аниклашни йўлга кўйишиди. Улардан асосан радиологлар фойдаланишиди.

Тўлкин кўйилган вазифани тахминан 100% тўғрилик билан еча олади. Қанча аёлларни доброкачество иши билан стрессга рўбаро кильмасдан нейрон тармоклари ишлатилиши мумкин.

Майо Миннесота клиникасида радиологлар хulosаси нолга тенг деб таъкидлаган аёллар нейрон тармоклари тадқиқотида эса, 40% сут безларининг ўзгарганлигини кўрсатди. Нейрон тармоклари технологиясининг ишлатилишдаги ютуклари тасодифий эмас, тўғрими?

Сут безларидаги саратоннинг даволанишидан сўнг шиши ҳосил бўлиши мумкин. Нейрон тармоклари эса буни олдиндан кўрсата олади. Текасс Университетининг тиббиёт кулиётида шундай тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқитилган тўлкинлар ўзининг мураккаб ўзгаришларни, жумладан айтиб бериш хусусиятининг уч алоқаси яхшиланишини, кўрсатиш ва хисобга олишини тасдиқлади.

Нейрон тармоклари тиббиётда кўлланиш усууллари турли хил, шу билан бирга уларнинг архитектураси ҳам бир хил эмас. Касалликни даволаш натижаларининг асосида ўёки бу методлардан фойдаланишида ушбулардан бирини танлаши мумкин. Тухумдан саратони (ҳар 70 аёлдан бирининг касаллиги) касаллигининг даволаш хulosаси натижасидаги ютукларга таникли голланд мутахассиси Герберд Каппен, Немегендаги Университетда эришиди. У ўз ишида кўп тармокли перцентронни эмас, балки Больман машиналари деб аталадиган нейрон тармокларидан фойдаланади.

Мана, онкологик хоссаларининг бирига яна бир мисол. Япониянинг Кагавадаги тиббиёт мактаби тадқиқотчилари буйрак карциономаси билан касалланган беморларнинг буйрак резекцияси натижаларида хатосиз кўрсатадиган нейрон тармокларини ишга солишиди.

Троицкдаги инновацион ва термоядерли тадқиқот олийгоҳида нейрон тармокларининг консультацион тизими проекти ишлаб чиқарилди. У узоқ муддатли рециди ва кўпайиши хulosаси асосида базальноклеток саратоннинг даволаш усулини танлайди. Базалиома-онкологик касаллик билан оқ танлилар орасидаги саратон касаллиги билан касалланган беморларнинг 3% ташкил этади.

Диагностика меланома-шишишининг формаларидан бири, уни баъзида базалиоманинг пигментли формасидан ажратиш қийин. Диагностика нейрон тармокларининг multineuron симулятори ёрдамида ишлатилди.

Нейрон тармокларидан турли ишлаб чиқилаётган даволаш усууларининг хulosасида ҳам фойдаланиш мумкин. Улар кимёвий хоссаларининг молекуляр структураси асосида қўшилиш хulosалари учун самарали ишлатилмоқда АҚШларнинг саратоннинг миллий олийгоҳи

тадқиқотчилари нейрон тармоқларини препаратларнинг ишлаш механизмини айтиб бериш учун нейрон тармоқлардан фойдаландилар. Препаратлар химиотерапиядаги злокачеств шишларда ишлатилади. Миллионлаб турли молекулалар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг жисмларини нисбатан саратонга қарши активлигини кўриб чикиш керак. Саратон олийгоҳнинг мутахассислари мавжуд бўлган анкологик препаратларни б гурухга ажратдилар. Улар саратон катакчалари таъсирига қараб ажратишиди. Янги хоссаларни классификациялаш ва уларнинг ҳаракатини ўрганишни кўп тармоқли тўлқинларга ўргатилди. Бу ўқитувчисиз ўқитилишда нейрон тармоқлар хоссаларни кластерларнинг номаълум сонига ажратилди, шунинг учун тадқиқотчиларга хоссаларни идентификация қилиш имконияти берилди. Улар янги цитотоксик таъсирили механизмга эга.

8.4. Диагностика масалалари учун нейрон тармоқлари.

Нейрон тармоқлари нотекис чизиқни ташкил этади. Чизиқли усулдан фойдаланиш мақсадга мувофикдир. Тибиёт диагностикасига кўшимча қилиб мутахасисликни ошириш ва сезгириликни пасайтирмасликларни айтиш мумкин. Инфаркт касаллиги диагностика тармоқларида катта параметрлар йиғиндиси билан аниқланади. Инсон диагностикасида буни баҳолаш кийин шунга қарамай нейрон тармоқлари хулоса чиқариш қобилиятига эга. Шу билан бирга уларда яшириш қонун ва кўп ўлчовли маълумотлари бор.

Фарқланадиган жиҳати шундаки нейрон тармоқлари олдиндан программалаштирилмайди ва ҳеч қандай хулоса чиқармайди. Диагноз қилиш учун мисолларда ўрганиб чиқиласди. Бу томони билан нейрон тармоқлари эксперт тизимга сира ўхшамайди.

70-йилларда ишлаб чиқарилган сунъий интеллект харитани аниқлаш, моделлаш, уни кенгайтириш намунаси, умумлаштириш нейрон тармоқлари орқали мия фаолиятини ўрганишларга сира ўхшамайди.

Энг кенг тарқалган эксперт тизими MYCIN ҳаракатининг асоси, экспертларни тузатиш, уларнинг процедураси тизими бўлган. Ушбу тизимни Стэнфордда 70-йилларнинг бошида чиқсан MYCIN касалларнинг ярми шу касаллардан бир кечада ўлганлар, шифокорлар бу касални фақат 50% холатда аниқлаганлар. MYCIN асосий нусха бўлиб, триофом технологияси тоифасига киради. Шифокорлар экспорт тизимини жуда кунт билан ўрганиб чиқиш натижасида MYCIN ўз қийматини йўқотиб, уни ўкув марказига айлантириди. Эксперт тизими фақат кардиология бўлимида кардиограмма анализи учун керак бўлиб қолди. Клиникада ЭКГ анализадан фойдаланиб, шунга кўра унга таалукли тизим диагностика хуросалари олинади.

Диагностика классификация жараёнларининг бир қисм холатидир. Нейрон тармоқларида ўргатувчиларни қабул қилиш йўклиги энг кимматбаҳо ҳолатdir. Бу ерда нейрон тармоқларнинг юқорилиги улар шундай классификацияни очадиларки, унда олдинги тажриба янги усулда ривожланади.

IX. Нейрон тармокларининг кўп факторли оптимизацияси.

Оптимизация вазифаси тушунчаси.

Компьютер дастурининг стандарт даражасига етказилган кўплаб яхши ишлаб чиқарилган оптимизация методлари мавжудлиги туфайли, оптимизация ва нейрон тармокларининг ўқитилиши қизиқарли. Агар организм элементларининг адаптацияларини озуканинг оптимал ҳисоби, энергиянинг оптимал ишлатилиши ва х.к. атроф-муҳит кўринишида кўриб чиқилса, ўқув процессининг солиштирилиши баъзи оптимумлар биологик асослардан ҳолис эмаслигини кўриш мумкин. Оптимизация усулларини тўлиқ кўриб чиқиш берилган лекция чегараларидан чиқиб кетади, шунинг учун биз фахаттина асосий тушунчалар билан чегараланиб қоламиз. Тўлиқ маълумотлар учун Б. Банди китобини тавсия қиласиз.

Агар \square атрофининг (окрестность) x_0 нуктаси мавжуд бўлса, $F(x)$ ҳақиқий бир ўзгариш функцияси локал минимумга тенглашади. Барча шу нуктадаги x лар учун, яъни $|x-x_0|< \square$, $F(x)>f(x_0)$ ўрни бор.

Баъзи нукталар ҳақиқий минимум нукталар эканлигини, функцияларнинг силликлик хусусияти ҳақидаги кўшимча маълумотларсиз, аниклаш мумкин эмас, чунки ҳар қандай худуд континум нуктасига эга. Бу ходисаларни аниклашада тадқиқотчи бир неча маълумотларга дуч келиши мумкин. Биринчидан, минимум функцияси ягона бўймаслиги мумкин. Иккинчидан амалиётда локал минимумни эмас, балки глобал минимумни топиш керак, бироқ кўпинча функциянинг яна бир чуқурроқ минимуми бор эканлиги номаълум.

Агар x, x_0 нукталарни алмаштиrsак, локал минимумнинг функцияси, математик таърифи, кўп ўлчамли худудда худди шундай кўринишига эга бўлади. Кўп факторлар функция учун минимум аникланишида мураккаб вазифа ҳисобланади.

Кўп факторлар функция учун минимумни, бир ўзгарувчи функцияга нисбатан аниклаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу аввало, кичрайтирилган функциянинг локал йўналишидаги аҳамияти минимум нуктасининг йўналиш ҳаракатига мос келмаслигига боғлик, бундан ташкири, ўлчам катталашиши билан функцияни ҳисоблаш ҳаражатлари ҳам оратади.

Оптимизация вазифаларининг ечими санъат ҳисобланади, чунончи, ҳар қандай кўринишида кам ишлайдиган ва самара бераётган усулнинг ўзи йўқ. Кўпинча ишлатилаётган методлардан Нелдернинг симплекс методини тавсия этиш мумкин, шунинг тасодифий қидирив усуллари ҳам кўл келиши мумкин. Оптимизация вазифалари ечимининг 2 қўлланмасида отжиг имитация усуллари ва генетик изланишлар усули тоифасига киради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Горбань А.Н. Обучение нейронных сетей. –М.: СП Параграф, 1990.
2. Нейрокомпьютеры и интеллектуальные роботы. Под.ред. Н.М. Асомова. –Киев, Наукова думка, 1991.
3. Уоссермен Ф. Нейрокомпьютерная техника: Теория и практика. – М.: Мир, 1992.
4. Т Кохонен. Ассоциативная память. Москва: Мир, 1980.
5. Ф.Розенблatt. Принципы нейродинамики. Москва: Мир, 1965.
6. А.А. Веденов. Моделирование элементов мышления. Москва: Наука, 1988.
7. Г. Шеперд. Нейробиология. Тт. 1-2, Москва: Мир, 1987.
8. Б. Банди. Методы оптимизации. М. Радио и связь, 1988.